



МАЪЛУМКИ, АХБОРОТ СОҲАСИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА РИВОЖ-ЛАНТИРИШ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЖАРАЁНИДА БИЗ УЧУН ДОИМО УСТУВОР ВАЗИФА БЎЛИБ КЕЛМОҚДА. МАМЛАКАТИМИЗ-НИНГ ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭРКИН ФАОЛИЯТ ЮРИТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА МУҲИМ ҚОИДА ВА ТАМОЙИЛЛАР МУСТАҚАМЛАБ ҚЎЙИЛ-ГАНИ, СОҲАГА ДОИР ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИБ БОРИ-ЛАЁТГАНИ БУ ФИКРНИ ЯҚҚОЛ ТАСДИҚЛАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригидан

СИЗЛАР ЖАМИЯТ КЎЗГУЛАРИСИЗ!

Қадри оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Сизлар инсон манfaatлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, демократиянинг муҳим йўналишлари ҳисобланмиш сайлов ва суд соҳасида одиллигини таъминлаш борасидаги ишларни ёритишдек шарафли вазифани адо этиб келмоқдасизлар.

Бугун мамлакатимизда сўз ва фикр эркинлигини таъминлаш борасидаги ро-лингиз, жамият ҳаётидаги иштирокингиз ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Чунки жаҳон ахборот майдони ҳозирда маълумот, ахборот тарқатиш билан бирга турли ёт гоълар, мафқураларнинг кураш ўчоғига айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шиддатли давримизда кечаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлар ва хабарларни тўғридан-тўғри, манfaatлар мувозанатини сақлаган ҳолда етказиш замон талабига айланган.

Шу нуқтаи назардан Сизларнинг — соҳа вакилларининг юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш, жойларда фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммо ва камчи-ликларни ҳолис, тезкор ёритиш орқали мутасаддиаларнинг масъулиятини оши-ришдаги ўрни нечоғлиқ муҳим эканлигини яхши биламиз.

Қадри журналист ва блогерлар!

Ахборот технологиялари замонавий медиамаконда кун сайин янги қиёфа касб этаётган матбуот ва интернет соҳасидаги таҳлилий-танқидий материалларингиз давлат, шу жумладан, депутатларнинг аҳоли билан тизимли ишлашига йўл очмоқда. Натижада аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалмоқда, халқнинг давлатга бўлган ишончи тобора ортмоқда.

Албатта, масъулият, самимийлик, ҳамиша фаол фуқаролик позициясига таянади-ган касбингиз, тезкорлик, ҳолислик ва аниқлик принциплари асосида фаолият юри-тишнингиз халқ ва давлат ўртасида ишончли вакил бўлишингизни таъминламоқда.

Сизларнинг ҳар бир ижодий ишингиз халқ фикрини шакллантиради, фуқаро-ларимизга юртга дахдорлик туйғуси билан яшашни ўргатади. Сўзнинг заъвори ва қалам ортидан қадр топиб, эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлиш оммавий ахбо-рот воситаларининг ҳар бир вакили учун чинакам бахт ва эътирофдир.

Шу ўринда яна бир бор алоҳида қайд этиб ўтмоқчиманки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларини тўлақонли қўлаб-қувватлаш ва янада ривож-ланишига ҳисса қўиш бундан буён ҳам Ўзбекистон “Адолат” социал-демократ-тик партиясининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга бекиёс ҳисса қўиш келаётган сиз, азиз журналист ва муҳаррирлар, режис-сёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари — барча-барчангизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари кунини — касб байраминингиз билан чин қалбимдан табриклайман!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ижодий ва касбий бар-камолик тилайман! Ҳамиша қаламларингиз ўткир, сўзларингиз кескир, объек-тивларингиз чақноқ бўлсин!

Робохон МАХМУДОВА,
“Адолат” СДП Сиесий Кенгаши раиси



АДОЛАТ — ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!

Адолат ва инсон қадри — бу икки тушунча жамиятда барқарорлик ва тараққи-ётни таъминловчи муҳим асослардан ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Ангрен университетида партиямиз ташаббуси билан “Адолат — инсон қадри учун!” мавзусида ўтказилган тадбир ҳар жиҳатдан аҳамиятли бўлди.

Ўзаро очик мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиесий Кенгаши раиси Робохон Махмудова, университет раҳ-барияти, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Партия етакчиси йиғилганларга инсон қад-рини улуғлаш, ҳар бир фуқаронинг манfaatла-рини тўлақонли ҳимоя қилиш ва жамиятда адо-латни қарор топтириш мақсадида мамлакатим-изда амалга оширилаётган изчил ислохотлар ҳақида атрофлича тушунча берар экан, бу бо-рада партиянинг дастурий мақсадларида белги-

ланган муҳим тақлифларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилаётгани ва келгусидаги режалари ҳақида маълумот берди.

Қайд этилганидек, инсон қадри ва ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш партиянинг асосий мақсад-ларидан биридир. Шу боисдан мазкур йўна-лишда партия қатор ташаббусларни илгари суриб, муҳим чора-тадбирларга эътибор қарат-моқда. Айниқса, коррупцияга қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва ҳар бир фуқаро учун фаровон ҳаёт яратиш каби масалалар партия Сайловолди дасту-рида асосий ўринни эгаллайди.

Тадбирда сўз олган университет ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ко-милжон Синдоров ва профессор-ўқитувчилар

бугунги кунда гендер тенгликни таъминлаш бо-расида эришилаётган ижобий натижалар, ай-ниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиесий фа-оллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини мустақамлаш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб, партиянинг ушбу йўна-лишдаги лойиҳаларини юқори баҳоладилар.

Жараёнда иштирокчилар ўзларини қизиқтир-ган саволларга партия фаоллари ва соҳа мута-хассисларидан атрофлича жавоб олиш биро-барид мазкур йўналишдаги ишларнинг сама-радорлигини таъминлаш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Тадбир якунида партия гоъларига хайри-хоҳлик билдирган бир гуруҳ профессор-ўқи-тувчилар ва талаба-ёшлар партия сафига қа-бул қилиниб, уларга партия Сиесий Кенгаши раиси Робохон Махмудова томонидан аъзо-лик гувоҳномалари топширилди.

Машҳурларнинг аёллари



ҲАЁТ ВА ИЖОД САБОҚЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси, салкам ярим аср давомида туман, вилоят ва республикамизнинг қатор газеталарида муҳбир, бўлим муҳаррири ва бош муҳаррир вазифасида фаолият кўрсатиб келган, “Улуғ эл” газетаси бош муҳаррири Алишер Ибодинов катта ижод йўлини босиб ўтган фидойи инсон. У ўзининг турли мавзудаги публицистик мақолалари, “Гулсафсар ҳиди”, “Оқ, оппоқ булутлар”, “Қуёш ҳам олов”, “Ла-тофат дўқонидаги қатл”, “Соҳил яқин-яқин...” каби қисса ва ҳикоялар тўп-ламлари, “Қўрбоши Мадаминбек”, “Обод излар”, “Макайлик бир сулола” ҳуж-жатли қиссалари, “Уч баҳодир”, “Сарҳадларда синалганлар”, “Олтиариқ та-рихидан лавҳалар” каби қатор очерклар тўпламлари, “Шафқатсиз тоғлар”, “Худоёрхоннинг сўнги кунлари” каби роман ва қиссалари билан китобхон-ларнинг меҳрини қозонган ижодкорлардан.

Бугунги суҳбатдошимиз “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби Алишер Ибодиновнинг рафиқаси, ҳамкасби, Фарғона вилояти Олтиариқ тумани “Давр овози” газетасида муҳбирликдан бўлим бошлиғи, бош муҳаррир ўрин-босари, Олтиариқ туман ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази туман бўлими раҳбари каби бир қанча масъул лавозимларда фаолият юритган, “Улуғ эл” газетаси масъул муҳаррири, “Мўътабар аёл”, “Маҳалла ифтихори”, “Меҳр-сахо-ват” кўкрак нишонлари соҳибаси Холита Жабборовадир.

Фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турлари кенгайтирилади

Фракция аъзоси Мақсудбек Қурбонбоев эса ўзгалар парварishiга муҳтож шахслар қан-дай тартибда аниқланиши билан қизиқди. Масъулларнинг таъкидлашича, ушбу тои-фадаги шахслар маҳалладаги ижтимоий хо-дим, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси томони-дан хизмат вазифаларини амалга оши-риш, жумладан, уйма-уй юриш натижасида шакллантирилган сўровномага, шунинг-дек, ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда “Ижтимоий ҳимоя” АТга юборилган кекса-лар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки улар-нинг қонуний вакилларининг ёки бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг му-рожаатларига асосан аниқланади.

30 июнь —
Ёшлар кунини

“МЕНГА ОМАД ЁРДИР, МЕН БИЛАН ИҚБОЛ...”

Бу қиз ҳеч тинч ўтирмайдиган, бобоси ва бувисига савол беравериб, безор қилиб юбо-радиган даражадаги шўх-шад-дод қиз бўлган экан. Икки ярим ёшида алифбони тескари ушлаб ўқимоқчи бўлган, телевизор орқали бошловчилар, суҳандон-ларни кўриб, уларга эргашади-ган болалиги бўлган бу қиз-нинг. У ҳозир Нукус шаҳридаги 33-мактабининг 11-синф бити-рувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси бош сардори Гулбаҳор Юсупбекова — яъни, камина.



Фракция йиғилиши



Фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турлари кенгайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Депутатлар ушбу қонун лойиҳасининг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини эътиборга олиб, партия Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқишди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Агентлик ҳамда унинг ҳудудий

бўлинмаларини тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизлар, болалар билан ишлаш бўйича ваколатлари белгиланмоқда. Хусусан, лойиҳада ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга қилинган ҳимойлик маблағларининг солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига қўшиш, оғир аҳволга тушиб қолган ва оғир аҳволга тушиб қолиш хавфи юқори бўлган шахслар ва оилалар манфаатларини кўзлаб қилинган даъво, аризалар ва шикоятлар билан судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод қилиш каби ўзгартиришлар назарда тутилмоқда.

Фракция аъзоси Олтиной Мамирова: – "Адолат" СДП Сайловолди

дастурида Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият таъминлаши ҳукмронлик қиладиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли "ижтимоий давлат" сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Ушбу қонун лойиҳасида назарда тутилаётган янгиланган партия ғоя ва мақсадларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Мунозаралар давомида депутат Гулрух Агзамова Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги тегишли қарорида ўзгалар парваришига муҳтож шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича устувор вазифалар белгилаб қўйилганини, шундан келиб чиқиб, келгусида мазкур қонунга яна ўзгартириш киритиш зарурати туғилиши мумкинми, деган саволни ўртага ташлади.

Қонун ташаббускорлари ушбу масала юзасидан батафсил тушунтириш бериб, келгусида қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмасли-

гини билдиришди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Фракция аъзоси Мақсудбек Қурбонбоев эса ўзгалар парваришига муҳтож шахслар қандай тартибда аниқланиши билан қизиқди. Масъулларнинг таъкидлашича, ушбу тоифадаги шахслар маҳалладаги ижтимоий ходим, патронаж ҳамшира ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи раиси томонидан хизмат вазифаларини амалга ошириш, жумладан, уйма-уй юриш натижасида шакллантирилган сўровномага, шунингдек, ёзма, оғзаки ёки электрон шаклда "Ижтимоий ҳимоя" АТГА юборилган кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ёки уларнинг қонуний вакилларининг ёки бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан аниқланади.

Қизғин муҳокамалар ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Пленум

Режалар ижроси белгилаб олинди

Жорий йилнинг 27 июнь куни Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг навбатдаги XIII Пленуми бўлиб ўтди.

Унда партия Сиёсий Кенгаши раҳбарияти ва аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг раислари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кун тартибига мувофиқ, Пленумда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан фракция раҳбари З.Ибрагимованинг ҳисоботи эшитилди.

Унда партия фракцияси томонидан жорий йилнинг шу давригача олиб борилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилиб, атрофлича таҳлил қилинди. Келгуси режа ва ва-

зифаларга эътибор қаратилиб, натижадорликни ошириш юзасидан депутатлар ва партия вакиллари янада тизимли ва узлуксиз фаолият олиб бориши лозимлиги таъкидланди.

Кун тартибига таъкидлий масала ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, партия Сиёсий Кенгаши раисининг ташкилий-партиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига партиянинг ташкилий-партиявий ишлар бошқармаси бошлиғи Расулов Улугбек Абдусамиевич сайланди.

Шу билан бирга, Пленумда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 2023 йил бюджетининг ижроси ва 2024 йил бюджетининг асосий кўрсаткичлари

бўйича партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати бош ҳисобчиси З.Шомақсудованинг ахбороти тингланди. Шунингдек, Пленумда партия ташкилий-штат тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди ҳамда партиянинг келгусида амалга оширилиши кўзда тутилган режалари ижроси юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП
Матбуот хизмати

Муносабат

МУҲАНДИС – замонавий ишлаб чиқариш жараёнининг локомотиви

Фан ва инновацион технологиялар бемисл ривожланаётган XXI асрга келиб ишлаб чиқариш, саноат каби кўплаб соҳаларда муҳандисларнинг ўрни ва аҳамияти чандон ошиб кетди. Бугун қайси юқори ривожланишдаги мамлакатни қараман, албатта, рақобат тобора кучайиб бораётган дунё бозорини эгаллашда айнан инженер-техник ходимларнинг салоҳияти, интеллекти, доимий изланувчанлигига таянганига шохид бўласиз.

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши раиси

Биргина мисол билан кифояланайлик. Кун чиқар юрти завод-фабрикаларида меҳнат қиладиган муҳандис-технологлар йилга энг камида битта салмоқли, иқтисодий самараси улкан ихтиро ҳамда ўнлаб рационализаторлик таклифлари учун патентлар олиши оддий ҳолга айланган. Шу сабабдан ҳам Япониянинг муҳандис эоти борки, доимий изланишда, таъбир жоиз бўлса, мунтазам яратишда. Бундай ижодий муҳитга ҳавас қилмай бўладими! Албатта, ҳаваснинг ўзи билан иш битмайди. Шу боис, юртимизда ҳам мана шундай кунларни янада яқинлаштириш учун навбатдаги дадил қадам ташлангани барчамизни мамнун этди.

Давлатимиз раҳбари раислигида муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши бу соҳада муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилгани, энг асосийси, муҳим, изчил ўзгаришлар сари юз тутилгани билан ҳам ижтимоий ҳаётимизда ўзига хос воқеа бўлди.

Ҳа, барчамиз кўриб турибмиз, афсуски, соҳада муаммо ва камчиликлар етарли, ҳатто ортқ даражада тупланиб қолган. Бу эса олийгоҳ ва саноат корхоналари ўртасида интеграциянинг йўқолишига, 36 та олийгоҳнинг муҳандислик соҳаларига оид йўналишларини битираётган 67 минг талабадан 60 фоизи ўз соҳаси бўйича ишламаслигига сабаб бўляпти. Ваҳоланки, йилга 3 мингта саноат корхонаси ишга туширилиб, 150 минг атрофида иш ўрни яратилаётган пайтда муҳандис кадрларни жаҳоннинг илгор тажрибалиари асосида ўқитиш, улар олган билим ва кўникмасини амалиётда тизимли қўллашнинг тўғри ташкил этиш сув ва ҳаводек зарурлиги ҳеч кимга сир эмас.

Зеро, муҳандислик тармоқлари иқтисодиётнинг асосий йўналиши сифатида мамлакат тараққиётини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга. Сўзимизни биргина жорий йилнинг ўзида давлат инвестиция дастурлари асосида 21 триллион сўмлик лойиҳалар, 37,5 миллиард долларлик хорижий ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши назарда тутилгани ҳам исботлайди.

Инновациялар ва муҳандис кадрларнинг аҳамияти алоҳида қайд этилган йилгилишда соҳани ривожлантириш учун амалиётга татбиқ этиладиган ташаббуслар ва таклифлар билдирилди.

Жумладан, энди олий таълим муассасаларининг тажриба ишлаб чиқариш корхоналари мақоми қонун билан мустаҳкамланиши, уларга IT-парк резидентларига қўлланилаётган имтиёзлар берилиши, шунингдек, шуьба корхонаси ишчисининг камида 60 фоизи докторант ва талабалардан иборат бўлиши соҳа ривожига дадил қадам бўлади, албатта.

«Адолат» социал-демократик партияси Сайловолди дастурида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни изчил давом эттирмоқда. Чунончи, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шериклики ривожлантириш, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш орқали ўқув сифатини ошириш масалаларига эътибор қаратмоқдамиз. Шунингдек, партияимиз илмий ва инженер-техник ходимлар манфаатларининг самарали ҳимоясини таъминлашга ҳам жиддий эътибор беришни мақсад қилган.

Шубҳасиз, мазкур йиғилишда Президентимиз илгари сурган ташаббуслар партияимиз ғоялари билан ҳамоҳанг эканлиги зиммаимизга янада улкан масъулият юклайди. Видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ташаббуслар Янги Ўзбекистонда муҳандислик соҳаси обрўли ва қизиқиш юқори касб, тўғрироғи хунарга айланишига сабаб бўлиши ҳаммаимиз учун аҳамиятлидир. Ишончимиз комилки, иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш учун бизга сув билан ҳаводек зарур бўлган юқори малакали муҳандис-технологлар қатлами шаклланишига партияимиз ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Биз ишонамизки, бу чора-тадбирлар мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтиради, инновацион иқтисодиётга ўтиш жараёнини тезлаштиради, пировардида Янги Ўзбекистоннинг жадал ривожланишига хизмат қилади.

«Адолат» социал-демократик партияси бу йўналишдаги ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этишга, ўз таклиф ва ташаббуслари билан жараёни қўллаб-қувватлашга тайёр. Зеро, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги – Учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг гаровидир.

Байрам тадбири

Оммавий ахборот воситалари партия эътиборида



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий аппаратида профессионал маҳорати билан жамиятда ҳолислик, адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида фаол меҳнат қилаётган ОАВ вакиллари табриклаш ва тақдирлашга бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова тадбирни кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда мамлакатимизда соҳа ходимларига яратилаётган кенг имкониятлар, матбуот ходимларининг жамиятимиз ривожига тутган ўрни ҳақида сўз юритаркан, техника асрига айланган айна замонамизда ҳаётимизни бир дақиқа бўлса ҳам информацияларсиз, матбуотсиз тасаввур этиб бўлмаслиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Қолаверса, соҳа вакилларининг юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳиятини кенг олмага етказиш, жойларда фуқароларимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммо-камчиликларни ҳолис, тезкор ва адолатли ёритиш орқали мутасаддиларнинг масъулиятини оширишдаги ўрни ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлигини таъкидлади.

Партия етакчиси юртимизда кечаётган демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги кенг кўламли ислохотларни жамоатчиликка ҳолис ва ҳаққоний етказиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган матбуот ходимларини табрик-

лаб, ҳалол меҳнати, юксак касбий маҳорати ва танлаган ишига содиқ ҳамда фидойиликларини учун миннатдорлик билдирди.

Учрашувда оммавий ахборот воситаларини тўлақонли қўллаб-қувватлаш ва янада ривожланишига ҳисса қўиш бундан буён ҳам Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолиши таъкидланиб, соҳада самарали фаолият олиб бораётган бир қатор ОАВ ходимлари партия томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Давра суҳбати сифатида давом этган тадбир жараёнида партия вакиллари ва журналистлар юртимиздаги янгиланишлар, партия ғояларининг амалиётга кенг татбиқ этилаётгани, шунингдек, замонавий ахборот медиамаконида кузатилаётган тенденциялар хусусида ўзаро фикр алмашди.

Тадбир якунида журналист ва блогерлар келгусида ҳам адолат ва қонун устуворлиги йўлида партия билан биргаликда ишлашга тайёр эканликларини изҳор этиб, соҳа ходимларига кўрсатилаётган эътибор учун ўз миннатдорликларини билдиришди.



САЙЛОВЧИЛАР ҲАМ ФАОЛ БЎЛИШСИН

Депутат ҳисобот берди

Чуст туманидаги "Варзик" йигирма минг аҳоли яшайдиган катта қишлоқ. Унинг маркази йилдан йилга маданий-маиший иншоотлар билан кўркамлашиб бормоқда. Қишлоқ марказида қад ростлаган маданият саройида халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати Алишер Қосимов сайловчилар олдида ҳисобот берди.

Муҳиддин ИМОМАДИЕВ,
Наманган вилоят кенгаши матубот котиби

Ҳисобот йиғилишини "Пилон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Геройжон Рустамов олиб борди.
– Мен депутат этиб сайланган округ ҳудудида "Варзик", "Ғова", "Дам", "Қорақўғон", "Янги чак", "Варзигон" каби маҳаллалар жам бўлган. Ҳар бир қишлоқ, маҳалла ва кўчанинг, хонадоннинг ўз ташвиши, муаммоси бор, – деди депутат Алишер Қосимов. – Йўл, сув ва электр энер-

гияси билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топмоқда. Бугунги кунда ишсизлик асосий масала бўлиб турибди. Аҳоли эҳтиёжини қондирадиган маошли иш ўрнини яратиш учун корхоналар бўлиши керак. Корхона бўлса, унинг маҳсулоти бозорғир бўлиши, маҳсулотни сотиб оладиган харидор бўлиши керак. Мана, буларнинг ҳаммаси муаммо. Бу каби муаммоларни бартараф этиш

учун фарзандларимиз билимли, малакали, янги ғоялар ихтиро-чиси бўлиши лозим. Демак, муаммога биргаликда ечим топамиз экан. Ҳозирги кунда бекорчиликдан нима қиларини билмайдиган ёшлар бебош бўлиб кетяпти. Битта бебош, бузғунчининг тарбиясини ўрнига келтиргунча ўннга янги бетарбия пайдо бўлади. Маҳаллада етти нафар одам шу масала билан машғул. Лекин ижобий натижа кам. Ни-мага? Чунки тарбиянинг асоси оилада қарор топиб бўлган. Илмга ундайдиган ҳам, меҳнатга ўргатадиган ҳам ота-она. Мана, ичимлик суви бугунги кун муаммоси. Қишлоқларимизда йигирмадан зиёд булоқлар бор. Булоқлар сувини бир ерга тўплаб, ҳаммага тенг улашиш мумкинми? Мумкин! Лекин бу ишни қандай амалга ошириш керак, қанча маблағ кетади, деб бош қотирадиган одам бўлиши керак ичимизда. Ҳамма ишни хориж инвестицияси ҳисобида бажар-версак, ўзимизга нима қолади? Бу аҳволда қаергача борамиз?

Фалонча сўм сарфлаб, бирини ака, иккинчисини ука, деб иккита артезиан кудуқ қаздириб, сув чиқардик. Бешта трансформатор ўрнатдик. Юз минглаб тул дарахт экиб, яшил макон барпо қилдик. Ким учун? Халқимиз, сиз ва биз учун. Худо бизга хушхаҳо жойларни бериб қўйибди. "Ғова"да туризмни ривожлантиришимиз керак. Шу билан ҳам қишлоғимиз файзли, дастурхонимиз тўкин бўлади. Қисқаси, кўрбим етганча сайловчиларим хизматида бўлдим. Қилган ишларимни гапириб, мактанолмайман. Чунки бугунги янглик, эртага эскилик бўлиб қо-ляпти. Демак, биз тўхтамаслигимиз керак...

Вилоят депутати ҳисоботи тинглангандан сўнг 13-умумтаълим мактаби директори Маҳмуда Омонова, қишлоқ маданият маркази мудираси Маҳмуда Йўлдошева ва ёшлар етакчиси Абдоржон Ғаниевлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди ва депутат фаолиятига қониқарли баҳо беришди.

Жамоатчилик назорати

Кадрлар тайёрлашнинг бирламчи бўғини

Сўнгги йилларда юртимизда мактабгача таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Санжар МАЙДОНОВ,
Бухоро вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Шу мақсадда мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим ташкилотларига бола-ларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Бухоро вилоятида ҳам мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ҳозирга қадар вилоятда фаолият олиб бораётган мактабгача таълим ташкилотлари сони 487 тага етказилди. Эътибор беринг, бундан 5-6 йил аввал вилоятда МТТларга болаларнинг қамров даражаси бор-йўғи 18 фоизни ташкил қилган бўлса, соҳага берилган алоҳида эътибор сабаб бугунги кунда ушбу кўрсаткич 84,5 фоиздан ошди. Жорий йилда ҳам болалар қамровини янада ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Соҳада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида "Адолат" социал-демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари Бухоро шаҳридаги 47- ва 4-мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганишди.

Ўрганиш давомида мазкур муассасаларда болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар ва таълим жараёни билан танишилди. Жумладан, МТТ хона-лари ҳарорати, табиий ва сунъий ёритулиши меъёрларга мослиги аниқланди. Шунингдек, сув таъминоти ва канализация ҳолатлари ўрганилди ҳамда ушбу муассасаларда соҳага оид ҳужжатларнинг юритилиши бўйича тегишли масъу-ларга тавсиялар берилди.

Депутатлик гуруҳларида

Халқ депутатлари Ховос туман Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳида 9 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Гуруҳда маҳалла раислари ҳам борлиги мавжуд муаммоларни тизимли ҳал қилишда, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари борасида қўл келмоқда.

Ғойибназар РАЙИМНАЗАРОВ,
Ховос тумани кенгаши раиси

ДЕПУТАТ –

Тажрибали депутатларимиз томонидан жорий йилда мутасадди ташкилотларга 21 та депутатлик сўрови чиқарилди. Аҳоли ва юридик шахслар томонидан бўлган 51 та му-рожаатнинг аксарияти ижобий ечим топди, вақт талаб қиладиганлари депутатлик назорати олинди. Депутатлар кўмаги билан амалга оширилган ишлар салмоғини кўрган аҳоли ҳудуддаги ҳар бир муаммоли масалани ҳал қилишда халқ вакил-лари билан маслаҳатлашишни маъқул кўришмоқда.

Депутатлар партияимизнинг "То-залик – соғлом ҳаёт мезони" лойи-ҳаси доирасида фаоллар билан биргаликда жойларда ободон-лаштириш ишларини назорат қи-лиш, "Энг тоза маҳалла", "Энг тоза кўча", "Энг тоза хонадон" кўрик-танловларининг намунали ўтказилишида бош-қош бўлиш-моқда. "Таълим сифати партия нигоҳида" лойиҳаси доирасида тумандаги 16 та мактаб ва 14 та мактабгача таълим муассасала-рида ўрганишлар олиб борилиб, керакли тавсиялар берилди. "Адо-лат – хавфсиз дори-дармон учун" лойиҳаси бўйича тумандаги хусу-



ЭЛ КЎМАКДОШИ

сий дорихоналарда сотилаётган дори-дармонлар, тиббий буюм-лар сақланиши, нархлари ўрганиб чиқилди ва бу борада сессияга масала кириштишга ҳужжатлар то-пирилди. Бундан ташқари, "Му-аммо билан юзма-юз" лойиҳаси доирасида аҳоли билан учрашув-лар ўтказилиб, уларни қийнаётган масалалар юзасидан жорий йил-нинг 4 ойи давомида 21 та депу-татлик сўровлари чиқарилди.

Жумладан, "Бинокор" маҳалла-сидан сайланган депутат Б.Худой-бердиевнинг ёрдамида "Эъзоз" кў-часида яшовчи фуқаро Раҳима Аб-дуллаевага ногиронлар аравачаси олиб берилди ҳамда "Бинокор" МФЙ "Ҳамроз" кўчасидаги 12-уйда яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган фуқаро Комила Ҳайдаровага даволаниши учун бе-пул йўлланма ажратилди.

"Дўстлик" сайлов округидан сай-ланган депутат Қ.Абдураимов-нинг ҳаракати билан маҳалладаги яроқсиз ҳолга келиб қолган 6 та симёғоч янгисига алмаштирилди, "Яшил макон" умуммиллий лойи-

ҳаси доирасида 150 та меваги ва манзаралари ниҳоллар ўтказилди.

"Гулбаҳор" сайлов округидан сай-ланган депутат Ш.Уматов Кўнги-рот кўчасидаги 150 метр тупроқ йўлга шағал тўқдирди, "Саховат ва кўмак" жамғармаси орқали 6 нафар кам таъминланган оилаларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди, 4 нафар ижтимоий муҳтож оилалар-нинг фарзандларига суннат тўйи қи-либ берилди, ажрим ёқасига келиб қолган бир неча оила яраштирилди.

"Тинчлик" сайлов округидан сай-ланган депутат И.Ибрагимов жо-рий йилнинг ўтган даври мобай-нида "Тинчлик" маҳалласида жой-лашган 13-сонли мактаб ўқувчилари учун 20 дона бадий китоб тақдим қилди, Ал-Бухорий кўчаси 42-уйда истиқомат қилувчи кам таъминлан-ган фуқаро Бахринос Саидованинг уйи замонавий жиҳозланишида ам-алий ёрдам кўрсатди.

Шу билан бир қаторда "Яшил мак-он" умуммиллий лойиҳаси доира-сида "Бунёдкор" маҳалласида "Адо-лат боғи" ташкил қилинди ва 100 тупга яқин меваги ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. "Афросиёб" МФЙда 2 нафар бекорга ноги-ронлик гуруҳига ўқувчида амалий ёрдам кўрсатилди. Партия-вий лойиҳалар юзасидан корхона, ташкилот ва аҳоли орасида 18 мартаба учрашув ва суҳбатлар ташкил этилиб, аҳолини қийнаб келаётган масалалар атрофида таҳлил этилди, уларни ҳал этиш юзасидан зарурий чора-тадбир-лар амалга оширилди.

"Обод маҳалла" лойиҳаси доира-сида "Карвонсарой" маҳалласида яшовчи кам таъминланган хонадонга қурилиш моллари етказиб берилди.

"Яхшилик" кўчасида яшовчи, кам таъминланган фуқаро Сардор Али-ева бепул тиббий кўриқдан ўтиши учун амалий ёрдам кўрсатилди.

Албатта, сайловчилар билан очик мулоқот йўлга қўйилган жойда муаммо бўлмайди, камчиликларга барҳам берилади, ҳаётимизда фақат яхши томонга ўзгаришлар бўлади.

Муносабат



Конституциядан бутун жамият бахраманд бўлсин

Узоқ йиллардан буён судья сифатида фаолият олиб бораман. Жамиятимизда адолатни қарор топтириш учун барча имкониятларимни ишга солиб келаман.

**Музаффар РАУПОВ,
Қашқадарё вилоят судининг
фуқаролик ишлари бўйича судьяси**

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайлов-олди дастуридаги ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, инсон қадрини улуғлаш, қонун устуворлигига эришиш, адолатни ҳаёти-мизнинг бош мезони этиб белгилаш каби ғоялари менга жуда ёқди. Шу туфайли “Адолат” СДП-нинг хайрихоҳи сифатида сиёсий куч аъзолари томонидан ислохот-лар жараёнида амалга оширилаётган ишларга жиддий эътибор бераман. Айниқса, партия Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудованинг ташаббуси билан Конституциямизнинг аудио китоби яратилгани айтиш мумкин бўлди. Энди нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз бўш вақтларини унумли ўтказиб, Бош қомусимизнинг муҳим нормаларини самарали ўрганиш имконига эга бўлди.

Дарҳақиқат, Бош қомусимиз, дунё ҳамжамияти эътироф этганидек, демократик Конституциядир. Утмишда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни, халқаро андозаларни ўзида мужассам этган ҳуқуқий ҳужжатдир. Конституциянинг ҳар бир моддасидаги ғоя ва нормалар ўзбек халқининг теран тарихий илдиэларига асосланган бўлиб, у кўп йиллик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, янги таҳрирдаги Конституциямизда халқимизнинг олий мақсади – Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича мукаммал, илмий асосланган режалар ўз аксини топди. Бугун баралла айта оламиз, янги таҳрирдаги Конституция халқимиз учун адо-

латли жамият, озод ва обод Ватан қуриш йўлидаги улкан қадам бўлди. Зеро, Бош қомусимиз давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган ҳужжатдир.

Давлатимиз раҳбарининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ҳам давлат органларининг иш фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш ва ташкил этиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш бўйича қатор устувор вазифалар белгилаб берилган. Конституцияни ўрганиш, уни кенг омма ўртасида тарғиб қилишда биз, судьялар ҳам бош-қош бўлаёмиз.

“Адолат” социал-демократик партиясининг асосий мафкура-сига мос бўлган “Ҳуқуқий давлат” тушунчасининг янги таҳрир-

даги Конституциядан ўрин олиши советлар даврида топталган ва мустақиллик йилларида тикланган инсон қадрини янада улуғлаш, ҳимоя қилиш ва шахсий ҳаёт дахлсизлигини мукам-мал таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Имконияти чекланган фуқароларимизнинг ҳуқуқий савод-хонлик маданиятини юксалтириш борасида аудиокитоб яратилгани жуда яхши иш бўлди. Энг муҳими, унда ёшлар ва имконияти чекланган юртдошларимизнинг ҳуқуқий билим-ларини юксалтиришга эътибор қаратилган. Бу жараёнда замонавий ахборот технологияларининг кенг имкониятларидан фойдаланган ҳолда яратилган аудиокитобга айтиш пайтда талаб юқори.

Конституциямизнинг аудио китоби юртдошларимизнинг барча қатлами учун унинг нормалари мазмун-моҳиятини қулай, осон тарзда тушуниш, эслаб қолиш имкониятини яратди.

Айни пайтда партия томонидан мазкур аудиокитобни кенг халқ оммаси онгига синдириш мақсадида қатор даваат ва нодавоат ташкилотлар, таълим муассасалари, имконияти чекланганлар билан ишлаш жамиятлари ва Миллий кутубхона тизимидаги ахборот ресурсларига марказлари билан ҳамкорликда тақдимот тадбирлари ўтказилмоқда. Бу каби хайрли тадбирларда биз, судьялар ҳам партия ташкилотларига камарбаста бўламиз.

Саховат – беназир қадрият

Адолатли бўлмоқ, адолат билан яшамоқ инсон қадрини улуғладиган ҳаётий ҳикматдир. Ўзбекистон “Адолат” СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева бошчилигидаги жамоа, партия фаоллари ва депутатлар юртбошимизнинг “Халқни рози қилиш – олий саодат”, деган сўзларини чуқур англаган ҳолда самарали фаолият юритмоқдалар.



“ИЛМ САХОВАТИ”ДА БЕПУЛ ТАЪЛИМ БЕРИЛАДИ

**Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

Фарғоналик “адолат”чиларнинг “Хайр-саховат инсонни янада улуғвор ишларни амалга оширишга ундай-веради”, деган ташаббус атрофида бирлашгани ҳам эътиборга сазовор. Жумладан, Қурбон хайити муносабати билан юзлаб эҳтиёжманд оила-ларга кундалик озиқ-овқат маҳсулот-лари ва совға-саломлар билан кириб борган халқ депутатлари Қўштепа ту-ман Кенгаши депутати, “Марғилон са-ховати” хайрия ҳаракати раҳбари Аъзамжон Аҳмаджонов яна бир хайрли ишга қўл урди. Халқимизда “Қўл билан берганга қўш тўйма-с” нақ-лини эшитганмиз. Ҳар ойда юзлаб эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган ои-лада камолга етаётган, ота ёки онасидан эрта айрилган болаларни қўллаб-қувват-лаб келаётган депутат ўғил-қизларнинг келажагини ишончли кафолатлаш мақсадида “Илм саховати” ўқув мар-казига асос солди.

Марғилон шаҳрининг “Хиёбон” кў-часида жойлашган мазкур марказ-нинг очилиш маросими давлат ташки-лотлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида катта тантананага айла-ниб кетди. Алвон ленталар қирқилиб, марказ биносидан илм истагида бўл-ган ёшлар учун яратилган имконият-лар кўздан кечирилди.

– Ўқув марказимизда энг сара устозлар томонидан инглиз, рус, араб тили, архитектура дизай-нерлиги, қизларга эса замона-вий гул асаш хунарлари ўргати-лади. Ҳозирги кунда 70 нафар эҳтиёжманд оила фарзандлари рўйхатдан ўтган бўлса, бу рақам-лар соат сайин ортиб бормоқда, – дейди ташаббускор депу-тат Аъзамжон Аҳмаджонов. – Муҳими, бу ерда таълим мутлақо бепул. Ҳатто ўқувчиларимиз қий-налмай марказга келишлари учун

бепул транспорт хизматларини ҳам ташкил этдик.

– Бу ерга келиб кўларимга ёш куйилди. Бу қувонч ёшлари, ал-батта. Телевизорларда мухташам ўқув марказларининг рекламаларини кўриб, фарзандларимнинг ҳам шун-дай чиройли таълим масканларида ўқишларини орзу қилардим, – дей-ди Камола Ботирова. – Турмуш ўр-тоғим вафот этган. Илоҳим адо-латли ҳаракат эгалари кам бўлмасин.

Бу каби миннатдорлик фикрлари бисёр. Муҳими, янги Ўзбекистон-

нинг порлоқ келажаги эгалари бўл-ган болажонларимиз учун илм олиш ва касб-кор эгаллаш имконияти яра-тилди. Улар Ўзбекистонимиз чинакам маънода жаҳон эътиборидаги мамла-кат бўлиши йўлида астойдил хизмат қиладиган, кўплаб тилларни мукам-мал эгаллаган мутахассислар бўлиб етишадилар.

Келгуси режалар эса бундан ҳам аъло. Мукаммал тил ўрганган ўғил-қизлар Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қиладилар.

Муносабат

ТЕЖАШ — йўқотишларнинг олдини олади

Кейинги йилларда юртимизда электр қувватини етказиб бериш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Паст кучлинишли тармоқларни модерни-зация қилиш, кабель тармоқларини янгилаш бўйича ишлар шулар жумласидандир.



**Ҳиммат ОҚБЎТАЕВ,
Самарқанд вилоят кенгаши раиси**

Афсуски, ҳали бу борада модернизация қилинмаган ҳудудларимиз ҳам бор. Айнан шундай муаммолар юзага келса, аҳоли бизга ҳамда юқори ташкилотларга кўплаб муурожаатлар қилади.

Бугунги кунда табиий газ ва электр қувватига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Соҳада амалга оширилаётган ислохот-лар ҳам айнан шу эҳтиёжни қондиришга қаратилган. Айниқса, ти-зимни куз-қиш мавсумига тайёрлаш кўплаб муаммоларнинг ол-дини олишга хизмат қилади.

Ҳўш, бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик энергетика тизими-нинг барқарор ишлашини таъминлай оладими?

Давлатимиз раҳбари томонидан қувват ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда энергетика соҳаси объектлари куз-қиш мавсу-мида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу каби қатор саволларга жавоб берилди. Жумладан, “Тежаш – йўқотишларни камайтириш, тежамкор технологияларни жорий қилиш ҳисобига бўлиши шарт”, дейилди йиғилишда. Шунингдек, йиғилишда куз-қиш мавсумида аҳолини иссиқлик ва ичимлик суви билан кафолатли таъминлаш учун қозонхона ва иссиқлик тармоқларини яхшилаш, сув тар-моқлари ва насосларни таъмирлаш вазифалари белгилаб олинди.

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда табиий газ ва электр қуввати маса-ласи аҳолимизнинг доимий эътиборидаги мавзуга айланиб қолмоқда. Энг оғриқли нуқталаримиздан бири, ўзимиз ушбу ресурсларни исроф қилаётганимиздир. Ҳали ҳам айрим аҳоли хонадонлари, айниқса, кўча устидаги кичик савдо шохобчаларида ахвол деярли ўзгармади. Туни билан ёқиб қўйилган чироқни дўкон эгалари “Реклама учун керак” деб айтса, хонадонлар ва кўпқаватли биноларнинг зина йўлакларидан тонг-гача бесамар ишлаб турадиган чироқларни ширкат вакиллари ва хо-надон соҳиблари “Хавфсизлик учун керак, пулини олдиндан тўлаб қўй-ганимиздан кейин ишлатамиз-да”, дея изоҳлашади. Ваҳоланки, булар-нинг барчаси исрофгарчиликдан бошқа нарса эмас аспиди. Бундай ҳолатларда ёруғлик ва ҳаракатни илғовчи сенсорли ёриткичлардан фойдаланилса ҳам бўлади.

Фаолиятимиз давомида депутатларимизга ва “Адолат қабулхона-си”га ҳам айнан шундай масалалар юзасидан кўплаб муурожаатлар ке-лади. Мазкур муурожаатлар юзасидан тегишли ташкилотларга жорий йил 43 та депутатлик сўровлари чиқарилган, шундан 38 нафари ижо-бий ҳал этилган.

Бу йил ҳам қиш бизга нималарни тайёрлаб қўйганини билмаймиз. Аммо “Қиш ғамини ёзда” нақлига амал қилган ҳолда куз-қиш мавсу-мига олдиндан ва пухта тайёргарлик қўриб қўйиш борасидаги ишларни ҳозирдан жадаллаштиришимиз, бу борадаги вазифаларимизни белги-лаб олишимиз лозим.

Халқаро меҳнат ташкилотининг яна бир муҳим Конвенцияси ратификация қилинди



International
Labour
Organization

Олий Мажлис Қонунчилик палата-сида бўлиб ўтган мажлисда “Халқаро меҳнат ташкилотининг Тўлиқсиз иш вақти шароитларида ишлаш тўғрисида”ги 175-сонли Конвенциясини (Женева, 1994 йил 24 июнь) ратифика-ция қилиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур Конвенцияда тўлиқсиз иш вақти шароитида ишловчи ишчиларнинг меҳнат шароитлари, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот бўйича камситишлардан ҳимоя қилиш таъминлаш назарда тутилган. Ҳозирги кунга қадар мазкур Кон-венция 20 та давлат томонидан ратификация қилинган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур Конвенция та-лаблари аллақачон миллий қонунчилигимизга имплементация қи-линган бўлиб, тўлиқсиз иш вақтида ишловчи ишчиларнинг меҳнат шароитлари, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъми-нот бўйича камситишлардан ҳимоя қилиш бўйича қондалар Ўзбе-кистон Республикаси Меҳнат кодексига ўз аксини топган.

Мамлакатимизнинг ушбу Конвенцияга қўшилиши келгусида Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳужжатларида белгиланган тў-лиқсиз иш вақти шароитида ишловчи ишчиларнинг меҳнат ша-роитлари, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот бўйича камситишлардан ҳимоя қилиш, ишчиларнинг бандлигини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни самарали жорий этишга хизмат қилади.

Жорий йилнинг 19-23 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилояти мезбонлигида Ўзбекистон Болалар ташкилотининг "1 Республика болалар форуми" ўтказилди. Унда 196 нафар фаол сардор ҳамда 84 нафар турли лойиҳа ва дастурлар муаллифлари бир мақсад йўлида жам бўлди. Болаларни миллий ғоя асосида Ватаннинг содиқ фарзандлари этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ифода этиш, истеъдод ва қobiliятини намоён қилишни мақсад қилган форум бир қанча фаол, ташаббускор, кенг дунёқарашли сардорларни кашф этди, оммага танилтиди. Шунингдек, ҳудудий сардорларнинг фаолияти, тенгқурлари учун амалга оширган лойиҳалари, ёшларнинг таклиф ва муаммоларини тизимли ҳал қилишга қаратилган ғоя ва таклифлари қўллаб-қувватланди.

Шундай ёшлар орасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий Сардорлар Кенгаши раиси, бош сардор Гулбаҳор Юсупбекованинг иштироки, билими ва дунёқараши кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди. Биз қаҳрамонимиз билан ёшларга оид давлат сиёсатининг бугунги кундаги аҳамияти, сардорларнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни, сардор сифатида эришган ютуқлари ҳақида суҳбатлашдик.

“МЕНГА ОМАД ЁРДИР, МЕН БИЛАН ИҚБОЛ...”

– Гулбаҳор, анъанавдан бироз чекниб, сизга “1 Республика Болалар ташкилоти форумида ҳамманинг меҳрини қозонган самимий қорақалпоқ қизи ўзини қандай таништиради?” деган саволни бермоқчиман.

– 2007 йилнинг 20 декабрида тузилган қизалоққа Гулбаҳор деб исм қўйишди. Ҳар доим баҳорий кайфият, ҳаммага қувонч улашиб юрувчи қизалоқ бўлсин, деб тўнгич набирасига меҳр қўйган бобо ва бувиси уни то катта бўлгунча еру қўкка ишонмади. Шу сабабдан Гулбаҳорнинг биринчи қўллаб-қувватловчилари, ота-онасининг жаҳлини чиқарса, ҳимоясига оладигани ҳам айнан улар бўлди. Аксига олиб, бу қиз ҳеч тинч ўтирмайдиган, бобоси ва бувисига савол беравериб, безор қилиб юбарадиган даражадаги шўх-шаддод қиз бўлган экан. Икки ярим ёшда алифбони тескари ушлаб, ўқимокчи бўлган, телевизор орқали бошловчилар, суҳандонларни қўриб, уларга эргашидиган болалиги бўлган бу қизнинг. У ҳозир Нукус шаҳридаги 33-мактабнинг 11-синф битирувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси бош сардори Гулбаҳор Юсупбекова – яъни, каминана.

– Анча йиллардан буён сардор экансиз. Бу ўқиш ва бошқа режаларингизга ҳалақит бермайдими?

– Ҳаммасига улгуриш, мурожаат ва топшириқ бўлганда, камчилик ва муаммолар юзага келганда тўғри ечим топа билиш кун тартибимнинг асосий жиҳати ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам вақтим тигиз. Чунки мактаб, кўшимча курслар, сардорлик фаолияти, нетворкинг (ўзини-ўзи ривожлантириш), оила аъзоларим билан суҳбатлашишга зўрға вақт топаман. Мамнуният билан айта оламани, ота-онам, бобо-бувим, яқинларим, дўстларим, сардорлар, ҳудудий кенгаш аъзолари мен билан ҳамфикр, ҳамжиҳат. Шунинг учун имкониятлардан унумли фойдаланиб, уларнинг ишончини оқлапман, деб ўйлайман. Саволингизга жавоб: албатта, йўқ. Биласиз, қарс икки қўлдан чиқади. Агар сиз муваффақиятга эришиб туриб, яна ўсишда давом этмасангиз, натижа бўлмайди. Ўзим мисолимда айтганидан бўлсам, мактабнинг қўллаб-қувватламаса, сизга керакли, зарур шароитларни яратиб бермаса, ялқов бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Менинг мактабим, устозларим барчаси сардорлигимни тўғри қабул қилишди ва қўллаб-қувватлашди, тўғри маслаҳатлар беришди. Биз, фаол ёшлар сардорлик фаолияти билан шуғулланибгина қолмасдан, ўқийшга ва қўшимча дарслар устида ишлашга, шу билан биргаликда ўзимиз яхши кўрган машғулотлар билан шуғулланишга ҳам улгурамиз. Сардорлик фаол ёшлар билан бир тану бир жон бўлишга керакли муҳит яратиб беради.

– Бугун мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши сиз учун қандай имкониятлар эшигини очмоқда?

– Яширишга ҳожат йўқ, мамлакат генафондининг бебаҳо қатлами, юрт истиқболи, Ватан равнақи учун бемисл ҳисса қўшадиган, қони қайноқ, кўзлари ёнган ёшлар бугун ҳар томонлама қўллаб-қувватланипти. Эътибор дейсизми, моддий ёки маънавий рағбат, эътироф... Бу саноқни яна узоқ давом эттириш мумкин. Биласизми, бу гаплар базиллар учун ҳаёлий, сийқаси чиққан. Чунки улар бундай имкониятларни, юртнинг бағрида эмин-эркин, уйнаб-кулиб, билим оладиган даврни, соддароқ қилиб айтганда, Ватаннинг яхши маънодаги эркатой фарзанди бўлиш бахтини ҳис қилишмайди. Шунданми, бунга ишонилмайди. Лекин менинг ҳар куним, ҳар оним мана шундай ғамхўрлик ва эътибор қуршо-вида ўтади. Ўқиймиз, таълим олишимиз ҳавасга лойиқ. Бугунги кунда замон китобхон, илмли, соғлом ва зукко ёшларники. Шундай экан, яхши ғоялар, ташаббусларни илгари сурган, келажакда ўзини ҳам кўра оладиган, биз билан бир сафдаги ҳар бир ёшда юртга дахлдорлик ҳисси ҳукмрон. Ҳар бир эришган ютуғимиз, молиялаштирилган таклифимиз,

бўлдим. Ахир ишбоши ўқувсиз бўлса, бақир-чақирдан чиқмас, деб бежиз айтилмаган. Аввалига, жамиятнинг фаол ёши, лидер шахсларидан бири бўлиш жараёни осонликча кечмади, гапимга киришмади, топшириқни бажаришмади. Шундай пайтларда уларни уришсам, танбёҳ берсам бўларди. Лекин дўстона алоқа бўлмаган жойда, сардорнинг қадри, жамoadошнинг юзи бўлмайди, дейишганини тўғри қабул қилиб, босиқлик билан жамoани бирлаштирдим. Қорақалпоғистон Республикаси Сардорлар Кенгашини бошқаришда ҳам аввалига қийинчиликлар бўлган, албатта. Бироқ биз, сардорлар бир жамoа бўлиб биришма олдик. Жамoа аъзолари бир-бирини ҳурмат қилади ва айнан шу ҳурмат туфайли ҳам биз юқори марраларга эришиб келмоқдамиз.

– Яқинда “Энг намунали ҳудудий сардорлар кенгаши” танловида мутлақ ғолиб бўлдингиз. Жараёнлар қандай кечди?

– Эҳ-ҳе, танлов эълон қилинганидан кечалари ухлай олмай, турли режалар тузган, репетиция жараёнида бир муддат тинч турмаган сардор айнан қаршингизда ўтирибди. Бу танловга, албатта, рақиб жамoалар ҳам кучли тайёргарлик кўришини, янгича услубда фаолияти қайта жонланган Ўзбекистон Болалар ташкилоти (со-



минбарда туриб айта олган ҳар бир гапимиз бизга берилган имкониятлар тасдиғи, шубҳасиз.

– Албатта, сардор деганда, кўпчилик лидер, суҳандон ва бошқарувчи ёшларни тушунади. Қорақалпоғистоннинг бош сардори бўлиш қийинчилик тугдирмаганими?

– Сардор бугунги куннинг лидери ҳисобланади. Шундай экан, аввало, ҳар бир жамoадаги сардор ўз атрофидагиларни янги ғоялар томон бошлаши, ғалаба ва орзулар рўёбига ишонтира олиши керак. Чинакам сардор бўлиш осон эмас. Бунга мен фаолиятимда бир неча бор иқдор

ларимизни Ўзбекистон Болалар ташкилотига қизиқтириш, сардорлар сафини кўпайтириш, кенг тарғибот қилиш мақсадида мазкур ташкилотнинг янги платформасини ишлаб чиқишга қаратилган лойиҳа таклиф қилганимиз асосий ютуғимиз бўлди. Ҳалаба онлари шукўхли кечди. Лекин бунинг замирида меҳнат, ҳаракат ва жамoadошларимиз билан яқдиллигимиз этибди.

– Қорақалпоғистонлик ёшларнинг муаммолари, таклиф ва мулоҳазаларини инobatга олиш, уларни қўллаб-қувватлашда қандай натижаларга эришдингиз?

– Тенгдошларим ва бошқа ёшларнинг, жумладан, маҳаллий сардорларнинг ҳам таклифлари, фикр-мулоҳазаларини инobatга олган ҳолда турли лойиҳаларни амалга оширганмиз. Улардан бири "Сардор билан юзма-юз" лойиҳаси бўлиб, унда маҳаллий сардорлар билан ҳар ҳафта онлайн суҳбатлар ўтказилади. Биз ҳудудий кенгаш аъзолари билан уларнинг фаолиятида юзага келган қийинчиликлар, таклиф ва мулоҳазаларини тинглаймиз. Албатта, онлайн суҳбат давомида сардорлар ўз тенгдошлари билан яқиндан дўстлашади, бир-бирларидан муаммоларини бартараф этиш йўллариини ўрганишади. Яқинда сардорларнинг таклифларига биноан "Дебат" интеллектуал ўйинларини ўтказдик. Бундан ташқари, туманларда "Заковат", "Камалакда викторина" каби турли қизиқарли танлов ва викториналарни ҳам йўлга қўйганмиз. "Камалакда викторина" ўйини билимларга бой ўйин бўлиб, унда бизнинг эпчил ва чаққон сардорларимиз тенгдошлари, йўловчиларга қизиқарли саволлар беришди. Саволга тўғри жавоб берганларга китоб совға қилинади. Бу орқали ёшлар орасида китобхонларни кўпайтириш, ёшларнинг илм салоҳиятини оширишга эришишга ҳаракат қилаймиз.

– Гулбаҳор Юсупбекова келгуси беш йилда ўзини қандай тасаввур қилади?

– Ҳар бир муваффақият тинимсиз меҳнат маҳсулидир. Келгуси беш йил учун мўлжаллаган режа-мақсадларим катта ва бунга эришиш йўлида ҳаракатдаман. Беш йилдан кейинги Гулбаҳор Юсупбековани Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори бўлибди, деб эшитсангиз, ажабмас. Келажакда калами ўткир журналист бўлмоқчиман. Волонтёрлик ва сардорликни асло ташлаб қўймайман, албатта. Ишончим комилки, мен бундан ҳам катта натижаларга эришаман ва ҳозирда қилаётган ҳаракатларим ўз натижасини беради.

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!

Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ
суҳбатлашди

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Жасорат, ҳақиқатпарварлик, қатъият, шижоат... Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг асосий фаолият принципи айлانган бу сифатларни яна давом эттириш мумкин. Чунки, улар жамиятга маърифат улашишда, воқеа-ҳодисалардан хабардор қилишда, энг муҳими, замон билан ҳамнафас бўлишда бор куч ва ғайратини аямайди.

Шунинг учун ҳам 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунининг кенг миқёсда тантана қилиниши, соҳа жонкуярларининг меҳнати юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинаши мамлакатимизда “тўртинчи ҳокимият”нинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ўрни мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ҳам байрам арафасида партия тизимида меҳнат қилаётган бир гуруҳ журналист ва медиа соҳаси вакилларини эътироф этди, уларнинг фаолиятида ижодий баркамоллик ва касбий муваффақиятлар тилади.

Тақдирланганлар орасида партиянинг ҳудудий Кенгашларида фаолият юритаётган матбуот котиблари ҳам бор.



“Адолат” СДП Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби **Муҳиддин Имомадиев**нинг юқори салоҳияти, касбий маҳорати билан партия фаолиятини холис ва ҳаққоний ёритишга қўшаётган ҳиссаси алоҳида эътирофга арзийди. Айни пайтда Муҳиддин Имомадиевнинг партия кўзгуси – “Адолат” газетасида долзарб мавзудаги мақолалар эълон қилиниб келинмоқда. Шубҳасиз, бу партия матбуот котибларининг ҳам ижтимоий тармоқларда, ҳам газетда танилувчанлигини оширяпти.



Замира Абдуллаевнинг Хоразм вилоят кенгаши жамoасида ўз ўрни бор. Чунки унинг салкам 15 йиллик меҳнат фаолияти “Адолат” СДП билан бевосита боғлиқ. Сўнгги йилларда хоразмлик “Адолатчи”лар, партиядошларимизнинг амалга оширган ишлари, фаолияти Замира Абдуллаева томонидан тезкорлик билан ёритиб келинмоқда.

Партиянинг Андижон вилояти кенгаши матбуот котиби **Акбаржон Назаров**нинг фидокорона меҳнати ҳам эътибордан четда қолмади. 2011 йилдан шу вақтга қадар мазкур лавозимда ишлаётган Акбаржон Назаров партия матбуот хизмати билан узвий алоқада бўлиб, Андижондаги янгиликлар, ислохотлар, депутатлик гуруҳлари фаолиятини тарғиб қилиб келмоқда.



Комил Сахатов аввалига партиянинг “Адолат” газетасида вилоят бўйича махсус мухбир сифатида ишлаган. Бора-бора унинг ташаббускорлиги, профессионал маҳорати 2010 йилда “Адолат” СДПнинг Қашқадар вилояти кенгаши матбуот котиби бўлишга замин яратди. Воҳанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида “Адолат” чи вакиллар иштироки, аҳоли фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишларни ёритишда журналист Комил Сахатовнинг меҳнати эътиборга аригулик.

Гульехра Аҳмедованинг “Адолат” СДП Фарғона вилояти кенгашида ўз иш фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлмади. Шунга қарамадан матбуот хизмати ишини жонлантириб, тармоқ саҳифаларида бериб бораётган пост ва контентларни савияси ошмоқда. Шунингдек, Г. Аҳмедова томонидан тақдим этилаётган медиа маҳсулотларда партия илгари сураётган ташаббус ва таклифлар тушунарли, содда ва раван тилда оммага етказилляпти.

